# ИСТИҚЛОЛ. ИСЛОҲОТ ВА МАФКУРА

Маълумки, ислоҳотларни чуқурлаштириш муайян ғояларга маданий-маърифий негизларга асосланади. Яъни жамият истиқболи ва тараққиётининг устивор йўналишларини белгилаб олишда муҳим омил сифатида хизмат қилади. Шунинг учун ҳам жамиятлар муайян мафкурага таяниши билан бир-бирига ўхшаса-да, лекин унинг қандай тамойилларга асослангани эса бир-биридан фарқ қилади. Демакки, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш фуқаролар онги ва тафаккурининг ўзгаришини тақозо этади. Президентимиз Ислом Каримов халқ депутатлари Жиззах, Сирдарё, Наманган ва Бухоро вилоятлари кенгашларида сўзлаган нутқида ислоҳотларни амалга оширишда эришилаётган ютуқларни таъкидлаш билан бирга, янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби эканига, ислоҳотларнинг натижаси инсонлар онги ва тафаккуридаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлаётганига эътиборни жалб этди.

Жамиятда ислоҳотларни амалга ошириш маданий-маърифий жараёнлар билан узвий боғлиқ бўлади. У давлат ва жамият олдида турган вазифаларни амалга оширишда, фуқаролар фаолиятини таъминлашда, улар тафаккурида ўзгаришлар содир этишда, юксак ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш ва камол топишида демократик ислоҳотларни амалга оширишга хизмат қилиши муқаррар. Бугун миллий истиқлол мафкураси олдида ҳам шундай улуғ ва эзгу мақсадлар турганини, халқимизнинг бой маданий-маърифий мероси, қадриятлари билан уйғунлаштириб, тараққиётга хизмат қилишини таъкидлаш лозим.

Табиийки, Ўзбекистон Мустақил бўлгач, миллий мафкурага эҳтиёж сезди. Янги мафкуранинг зарурлиги, аввало, истиқлолни инсонлар тафаккурига сингдириш билан бевосита боғлиқ! Мустақиллик туфайли нафақат жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий, балки унинг мафкуравий асослари ҳам ўзгарди. Илгари жамиятнинг ҳаёти ва сиёсий тизими давлат мафкураси даражасида асосланар ва ҳаётга тадбиқ этилар эди.

Маълум тоифа вакиллари манфаатига қаратилган, уларнинг мақсад ва қарашларини ҳимоя қилиб келган мафкура ижтимоий ҳаётда жуда катта зиддиятларни келтириб чиқарди. Чунки, айрим тоифа вакилларининг манфаати инсон манфаатидан устун қўйилади, табиийки, бу нарса умуминсоний тамойилларга мутлақо мос келмайди. Жамиятнинг мувозанати бузилади. Натижада жамиятни ҳам тоифаларга ажратиб, унинг ичкарисида ижтимоий, сиёсий низолар, келишмовчиликлар учун замин яратиб беради. Бундай мафкура таъсирида «инсон-инсонга», «давлат-давлатга», «жамиятлар-жамиятларга» қарама-қарши қўйилиб, ижтимоий-сиёсий барқарорлик кучаяди. Бундай ҳолатга собиқ иттифоқ даврида тирик гувоҳ бўлдик. Ва бунинг асоратидан баъзилар ҳалиҳануз қутилганича йўқ.

Собиқ мафкура инсонлар онгини бир томонлама яширин, ғаразли манфаатлар ва тамойилларга йўналтиргани бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Яқин тарихдаги бундай аччиқ сабоқ натижасида «ҳеч қайси мафкурани давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас» деган фикр бугунги кунда ҳуқуқий асосга эгадир.

Жамият мафкурасиз бўлмайди, чунки ҳар бир давлат мустақил тараққиёт ва ривожланиш йўлини танлаб олар экан, ўз тараққиёт дастурига эга бўлиши шарт.

Бугун Республикамизда сиёсий-ижтимоий, иқтисодий, маданий ривожланишнинг мафкуравий асослари қандай бўлиши аниқ белгилаб олинган. Яъни эндиликда иқтисод мафкурадан, унинг тазйиқидан ҳоли ҳамда бирон-бир мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилмайдиган бўлди. Чунки, давлат ва жамият қурилиши борасидаги вазифаларни амалга оширишда ва умуминсоний тамойиллар муҳим рол ўйнайди. «Жамиятни тамойиллар бошқаради» деган фикрда жон бор. Аммо, қандай тамойиллар асосида бошқарилиши катта аҳамиятга эга. Давлатнинг кучи-қудрати унинг маънавий пойдевори, инсонлар ақли-заковати ва салоҳияти билан белгиланади.

Давлат ва жамият қурилиши шундай мураккаб ва ранг-барангки, унда турли халқлар, миллатлар, ижтимоий гуруҳлар, қатламлар мавжуд бўлиб, уларнинг қараши, манфаатлари айнан бир хил бўлиши мумкин эмас. Шу жиҳатдан улар турли сиёсий партиялар, ҳаракатларга бирлашадилар, улар орқали ўз қарашларини, манфаатларини ифодалайдилар. Онг ва тафаккур доираси кенгайган сари ҳар бир табақа умумманфаат доирасида яқинлаша бошлайди ва бирлашади. Бирлашишда маънавият ва мафкура энг бирламчи омилдир. Чунки, инсонлар фаолиятини эзгу мақсадлар йўлида сафарбар этишда мафкуравий омилдан фойдалана олиш, айниқса, жойлардаги масъул, раҳбарлар фаолиятида ўз ечимини топган, шунга йўналтирилган бўлиши керак. Зеро, маънавияти юксак инсонгина фозиллик хислатларини, фаолликни ўзида мужассам эта олади. Мамлакат олдида турган вазифаларни юракдан ҳис этади ва ўз фаолиятини унга йўналтиради.

Дунё миқёсида тан олинган, бутун инсоният олдида доимо муаммо, орзу бўлиб келган мақсаднинг моҳияти ҳам шунда. Бу Эркинлик, Демократия, Мустақиллик билан боғлиқ бўлган қадриятлар ва манфаатлардир. Бу айрим шахслар манфаати билан боғлиқ бўлган тамойил ёки манфаатлар тизими эмас. Бу бутун инсониятни умум мақсад сари йўналтириб турадиган энг олий, умуминсоний қадриятлардир.

Ана шундай қадриятларга содиқ бўлган Ўзбекистон ҳам, мафкурага янгича ёндашган ҳолда, уни энг олий қадриятлар даражасига олиб чиқди ва миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришини ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Эндиги вазифа янги мафкурани янгича талқин ва тадбиқ этиш учун юқорида айтилганидек инсон маънавий жиҳатдан ўзгариши зарур.

Инсон маънавияти юксак бўлсагина, ягона мафкуравий тазйиқдан ҳоли бўлади. Назаримизда, ҳозиргача айрим шахслар ҳамон уни эскича тушуниш ва ёндашиш, ҳатто ҳадиксираш ҳолларидан тўла қутулганича йўқ ҳамда мафкуралар моҳиятини чуқур англаб, уни ўз амалий фаолиятининг мезонига айлантира билишмаяпти. Сабабки, уларда муайян билим, баҳс маданияти, фикр айтиш ва шу баробарида эшитиш ҳамда турли фикрларни умуминсоний тамойилга бўйсундирган ҳолда уйғунлаштира олишда маълум даражада тафовутлар мавжуд. Дастлаб, «Миллий истиқлол мафкураси» деганда унинг номидаги «миллий»лик тушунчаси ҳам айрим кишиларда ўзгача тасаввур уйғотганди. Аввало, бу мафкура айрим миллат манфаатларини ҳимоя қиладиган, унинг қарашларини ифодалайдиган мафкура эмаслигини алоҳида қайд этиш зарур. Ундаги «миллийлик» шу давлат номи билан ҳамоҳангликда уйғун бўлиб, умуминсоний тамойилларга ва миллий хусусиятлар ва қадриятларга асосланишини таъкидлаш лозим.

Давлат сиёсатида мафкура тор доирадаги манфаатлар тизимидан чиқиб, умуминсоният олдида турган муаммоларни ҳал этишга йўналтирилар экан, бу давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда «ишончсизлик» кайфиятининг бартараф этилишига ҳам олиб келади. Жамиятнинг ривожи ўзаро манфаатли ҳамкорлик, умуминсонийлик тамойиллари асосида қурилса «зўравонлик», «ўз кучига таяниш», бошқа халқлар тақдирига, хоҳиш иродасига «писандсизлик билан қараш» каби иллатларга мутлақо ўрин қолмайди. Бу эса жамият маданий-маърифий асосларининг ривожланиши билан ҳам мос келади.

Мафкуралар хилма-хиллиги умуминсоний тамойиллар асосида ижтимоий, маданий-маърифий вазифаларни амалга оширган тақдирдагина холисона бўлади ва жамиятнинг ҳамма жабҳалари ривожига мувофиқ келади. Зеро, инсон маърифатлашиб, унинг табиати ҳар қандай иллатлардан фориғ бўлиб боради.

Миллий истиқлол мафкураси умуминсоний тамойилларга асосланар экан, уни қай йўналишда амалга ошириш керак?

Бу мафкуранинг асл мақсади ҳам янги жамият қуриш йўлида жонбозлик қилаётган инсонларга, мустақил юртимизнинг давлат ва жамият қурилиши, маънавий ҳаёти, таълим-тарбия жараёнида амалга оширилаётган мақсад ва вазифалар моҳиятини етказишни асосий мақсад қилиб қўяди. Бунда Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида манфаатларини тўла ҳисобга олган ҳолда ҳар бир фуқарода комиллик фазилатларини шакллантириш, қарашларини миллий қадриятларга, йўналтириш билан баробарида, инсонларда, айниқса, ёшларда масъулият туйғуларини шакллантиради. Мафкурада умуминсоний тамойилларни амалда таъминлашнинг қонуний асослари яратилиши ҳуқуқий, демократик давлатнинг муҳим шарти бўлиши билан бирга, давлат ҳокимиятининг барча бўғинлари ҳам, ижтимоий-иқтисодий, маънавий тизимлари, таълим-тарбия муассасалари, оила шу асосда амалий фаолиятда бўлиши зарур.

Мустақиллик мафкураси кишилар онгига ва тафаккурига у ёки бу қарашни зўрлаб киритиш асосида эмас, аксинча, турли хил фикрлар ва қарашларнинг шаклланишига шароит яратиб, унинг қарор топишига имконият яратди. Бу имкониятдан тўлалигича фойдаланиш Республикада давлат ва жамият қурилиши олдида турган вазифаларни амалга оширишда муҳим ўрин тутишини англаш ва ҳаётга тадбиқ этиш ҳар бир кишининг мамлакат олдидаги фуқаролик бурчидир.

**Ибодулла ЭРГАШЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси фалсафа кафедраси мудири, сиёсатшунослик фанлари доктори**

## «ЁҒГАР» ҲАМКОРЛИККА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

*Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний шаҳридаги «Ёғгар» ҳиссадорлик жамияти сифатли ўсимлик ёғи, бир неча турдаги тўйимли ем ишлаб чиқармоқда.*

*Ҳиссадорлик жамияти корхона эҳтиёжлари, ишлаб чиқариш билан боғлиқ масалаларда ташкилотлар ва тадбиркорларни ҳамкорликка чорлайди.*

**Корхона манзили: 743600, Қорақалпоғистон Республикаси, Беруний шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 12-уй. Телефонлар: 4-24-45, 4-28-15.**

*Қарор ва ижро*

# ЎЗ РИЗҚИМИЗНИ ҚИЙМАЙЛИК

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалик экинлари пайҳон қилинишига қарши курашни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қандай бажариляпти?**

**Бонг**

Йил — ўн икки ой меҳнат қилишга одатланган деҳқон шу кунларда ғалла майдонларида униб чиққан майсалар парвариши билан банд. У ниҳоллар бақувват бўлса, тўла сақлаб қолинса, ҳосил ҳам мўл бўлишини яхши билади.

— Қишлоқ хўжалик экинлари ва мевазорлардан мўл ҳосил олиш осон иш эмас, — дейди республика қишлоқ хўжалик фанлар академиясининг академик-котиби, профессор Ботир Азимов. — Ҳосилни етиштириб, уни исрофгарчиликсиз истеъмолчиларга етказиш эса ундан ҳам мушкул. Ҳосил етиштиришда агротехник қоидаларга боғлиқ бўлмаган талайгина муаммолар бор. Қарорда таъкидланганидек, бошоқли дон ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг пайҳонланиши оқибатида ҳосилнинг маълум қисми нобуд бўлаётгани ана шу муаммолардандир.

— Ботир ака, халқимизда азалдан неъматлар султони—нон ва умуман, табиат яратган ноз-неъмат, яшил бойликларни асраб-авайлаш ҳам фарз, ҳам қарз ҳисобланган...

— Манбаларда зикр этилишича, соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳам чанқоқ ерларга оби ҳаёт келтириб, қишлоқ хўжалиги ривожига катта аҳамият берган. «Темур тузуклари»да экинзорларни, айниқса, буғдой ва арпазорларни кўчманчи ва қароқчилардан, ўғри ва босқинчилардан сақлаш, пайҳонга йўл қўймаслик лозимлиги уқтирилган. Бунинг учун сипоҳлардан ўки махсус кишилардан иборат гуруҳлар ташкил қилиниб, улар «нон етказувчи аскарлар» ёки «қўрчилар» деб аталган. Сергаклик билан хизмат қилганларга ҳар қарич ер ва сақлаб қолинган ҳар қадоқ дон учун махсус инъомлар тақдим этилган.



Республика Вазирлар Маҳкамасининг Қарорида таъкидланганидек, экинзорларни пайҳонлаш ҳолларига ҳамон узил-кесил барҳам берилмаяпти. Бу республикамиз боғ ва узумзорларидаги мевалар нобудгарчилигига ҳам сабаб бўлмоқда. Битта дарахт синиши қанчадан-қанча ширин-шакар меваларнинг нобуд бўлиши эмасми? Айрим вилоятларда ниҳоллар экилган майдонларга молларни қўйиб юбориш ҳоллари учрамоқда. Натижада уларнинг шохи синиб, қуриб қолмоқда. Бундай кўнгилсиз ҳоллар узумзорларда ҳам содир бўлаётир. Бир дарахтни вояга етказиб ҳосил олгунча 5-6 йил вақт ўтишини унутмаслигимиз лозим.

Бепоён буғдойзорларда чайқалиб турган олтин бошоқларни кўз ўнгингизга келтиринг! Пайҳон оқибатида улардан ўн, юз, минглаб бошоқ исроф қилинса, фарзандларимиз қанчалаб ширин кулчалардан маҳрум бўлади?

Бир квадрат метр майдонда ўртача 200-250 дона ғалла ниҳоли ўсади. Шунинг атиги ўнтаси пайҳон этилса (ҳар бир бошоқнинг оғирлиги ўртача 0,7-10 граммни ташкил этади), бир гектардан қанча ҳосил йўқотилишини ҳисоблаб чиқиш қийин эмас.

Бундан буён экинзорларни пайҳонлашга йўл қўйиб бўлмайди. Ҳукуматимиз қарорини бажариш қишлоқ ҳудудларида истиқомат қилувчи ҳар бир кишининг виждоний бурчи — муқаддас вазифасига айланмоғи лозим.

# ЭКИН ПАЙҲОН БЎЛМАСА, ҲОСИЛ МЎЛ БЎЛАДИ

Наманган вилоятининг Мингбулоқ туманидаги бир қанча хўжаликларда айрим кишилар ғаллазорларда мол боқаётгани маълум бўлди. Туман прокуратураси ходимлари бундай ҳолларга айниқса «Гигант» жамоа хўжалигида кўплаб йўл қўйилаётганини аниқладилар. Ғаллани пайҳон қилишда айбдор бўлган шахслар маъмурий жазога тортилди— улардан жарима ундириб олинди. Қонунбузарликка йўл қўйган хўжалик раиси Наманган вилояти прокуратураси ҳайъатининг кенгайтирилган мажлисида хўжаликда экинни пайҳон қилишнинг олдини олиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида ҳисобот беришга мажур бўлди.

Ҳайъат мажлисида прокуратуранинг масъул ходимларидан ташқари вилоят ички ишлар бошқармаси ва унинг туманлардаги бўлимлари раҳбарлари, вилоят ва туман судлари раислари, туман ҳокимлари ўринбосарлари ва вилоят деҳқончилик —саноат уюшмаси вакиллари таклиф, қилинган эди. Унда бир масала — Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасининг ноябрь ойида эълон қилинган «Қишлоқ хўжалик экинлари пайҳон қилинишига қарши курашни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорининг қандай бажарилаётгани муҳокама қилинди. Мажлисда бу масала вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг доимий назоратида экани таъкидланди. Прокуратура ходимлари томонидан ўтказилган текширувлар чоғида ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари майдонларида кўплаб мол боқиш ҳоллари аниқланди. Масалан, Мингбулоқ туманнинг Навоий номидаги, «Гулбоғ» жамоа хўжаликларида ўнлаб моллар ғаллазорларда ўтлаб юргани маълум бўлди.

Милиция ходимлари ҳукумат Қарорини ва вилоят ҳокимининг тегишли қарорини бажариб бориб, ғаллазорлар пайҳон қилинишининг олдини олиш учун астойдил ҳаракат қилишаётир. Прокуратура ходимлари ҳам мунтазам равишда текширув ишларини ўтказишмоқда.

Бироқ хўжалик раҳбарлари ва ишчиларининг кўмагисиз, фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари саъй-ҳаракатлари билангина қонунбузарликка қарши самарали курашиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам истиқомат жойларида, фуқаролар йиғинларида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Кузги ғаллани асраб-авайлаш — дастурхонимиз тўкин-сочинлигини, турмушимиз фаровонлигини таъминлашини ҳаммамиз тушуниб олишимиз керак.



# ЖАРИМА БИЛАН ИШ БИТМАЙДИ

Фарғона вилояти ғаллакорлари келгуси йили 400 минг тонналик ғалла хирмонини уйиш ниятида меҳнат қилмоқда. Бунинг учун куч ва имкониятлар етарли. Айни кунда 92 минг гектар майдондаги кузги бошоқли дон экинлари баравж ривожланмоқда. Уларни суғориш, ўғитлаш давом этмоқда. Ғаллачиликдаги бу юмушлар ҳосилдорликни ошириши табиий. Аммо шунинг ўзи кифоями?

Республика ҳукуматининг қишлоқ хўжалиги экинлари пайҳон бўлишига қарши курашга қаратилган қарори майдонларнинг тўлиқ, пешона тери эвазига яратилажак улкан хирмоннинг бут, халқ дастурхонининг тўкин бўлишини таъминлайди. Зотан, мамлакатимизнинг ғалла мустақиллигига эришишида бу муҳим аҳамият касб этади.

Шу кеча-кундузда Фарғона вилоятида ҳам қишлоқ хўжалиги экинларининг пайҳон қилинишига қарши кураш авж олган. Вилоят ички ишлар бошқармаси маълумотларига кўра, шу пайтгача экинларни пайҳон қилиш бўйича 525 ҳолат аниқланган. Айбдор шахслардан ундириб олинган жарима миқдори қарийб 300 минг сўмни ташкил қилади. Шу вақт мобайнида 11 гектар майдондаги экин пайҳон этилган. Бу вилоят миқёсида арзимас кўрсаткич бўлиб туюлиши мумкин. Аммо бунинг замирида машаққатли меҳнат, қолаверса, халқ ризқ-рўзи ётганини унутмаслик лозим. Қолаверса, бир гектар майдонда ғалла етиштириш учун 19 минг 476 сўм маблағ сарфланади. Бу ерда ўртача тўрт тонна ғалла етиштирилади. Агар, шу ҳосил четдан келтирилса, қарийб 50 минг сўм маблағ сарфлашга тўғри келар экан. Ҳукумат қарорида масаланинг ана шу муҳим жиҳатлари назарда тутилган. Бунинг туб моҳиятини тушиниб етмаган айрим хўжалик раҳбарлари ушбу тадбирларни шунчаки кампаниячиликка йўймоқда. Олтиариқ тумани Амир Темур номидаги жамоа хўжалиги бошлиғи Абдурасул Иброҳимов бу борадаги ишларга жиддий ёндашмагани, бир-икки кунлик тадбир қабилида иш юритиши натижасида экинларнинг пайҳон бўлишига йўл қўйган. Ваҳоланки, ана шундай эътиборсизлик туфайли ҳам бу йил давлатга дон сотиш режаси барбод бўлган эди. Хўжаликда бу борада етарлича тадбирлар амалга оширилмагани туфайли раис ишдан олинди.

— Экинлар пайҳон бўлишининг олдини олиш мақсадида 354 та кузатиш пункти ташкил қилганмиз, — дейди вилоят ички ишлар бошқармаси бўлими нозири, милиция катта лейтенанти Ж. Мамадалиев. — Шунингдек, 1654 нафар дала қоровули, 158 та отлиқ назоратчи иш олиб бормоқда. Жойларда ғаллазорларни пайҳон қилмаслик лозимлиги, у ризқ-рўзимиз эканини тарғиб қиляпмиз. Маҳаллий матбуотда бу мавзуда давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Ҳукумат қарорида аҳоли чорва молларини боқиш учун яйловлар, емхашак етказиб бериш учун шарт-шароит яратиш зарурлиги ҳам таъкидланган. Аммо, жойларда масаланинг бу томонига етарли эътибор берилмаяпти. Ихота ва тутзорларни пайҳон қилиш, бесабаб кесиб юбориш ҳоллари мавжуд. Сўнгги йилларда вилоятдаги 28 гектарлик тут плантациялари йўқ қилинган. Катта тутлардан 292 минг донаси кесиб юборилган. Эндиликда ҳукумат қарорига асосан, бунга йўл қўймаслик билан бирга янги ихота ва тутзорлар ташкил этиш ҳам зарур бўлади. Бу ҳам халқ, юрт бойлиги. Зотан, жарима ундириш билангина иш битмайди.

# ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН ЧИҚАДИ

Бундан бир неча йил илгари Оҳангарон туманида энг қолоқ ҳисобланган «Ангрен» жамоа хўжалигига ёш, аммо ғайратли чорвадор Тўлқин Тўраев раҳбар этиб сайланганда хўжаликнинг ночор иқтисодини кўтариш учун ишни аввало мавжуд боғ ва экинзорлар пайҳонига қарши кескин курашдан бошлаган эди. У назоратсизлик натижасида экинларни пайҳон қилаётган чорвани бир жойга қамаб, эгаларидан зарарни ундирмагунча молларни қайтариб бермаган, бироқ ўшанда бу тадбир кўпчиликка ёқмаганди. Боиси, одамлар собиқ шўро тузумида халқ мулкига панжа орасидан қарашга ўрганиб қолган, уларда «Экинлар давлатники, камайиб қолармиди» қабилидаги фикр ҳукмрон эди. Афсуски, бу иллат юртдошларимиз онгини мамлакатимиз озод бўлган бугунги кунда ҳам тарк этганича йўқ. Республика Вазирлар Маҳкамасининг шу йил ноябрь ойида қабул қилган Қарорида таъкидланганидек, чорва моллари томонидан пайҳон қилиниши натижасида машаққатли меҳнат эвазига етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нобудгарчилигига йўл қўйилмоқда. Бундай нохуш ҳолатлар пойтахт вилоят, ҳудудида ҳам учраб турибди.

Оҳангарон туманида йилнинг ўтган даври мобайни назоратсиз қолдирилган 31 бош қорамол, 27 бош йилқининг 13,7 гектар майдондаги ғаллазорни пайҳон қилгани ҳам назоратни кучайтириш зарурлигини тақозо этади. Туман ҳудудида 16 минг гектар ерга кузги ғалла, 1178 гектар боғ, 480 гектар узумзор, 760 гектар тутзор, 52 гектар тераксор мавжуд бўлиб, пайҳоннинг олдини олиш бўйича махсус чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ҳар бир хўжаликка бир отлиқ ва бир пиёда ички ишлар бўлими ходими бириктириб қўйилди. Шунингдек, 24 нафар дала қоровули тайинланган бўлиб, улар ҳам от-улов билан таъминланди. Экинлар нисбатан кўп пайҳон этилиш эҳтимоли бўлган жойларда махсус кузатув пунктлари ташкил қилинди. Бу ишга кўплаб жамоатчи фаоллар ҳам жалб этилиб, уларнинг 22 нафари махсус от-улов билан таъминланди.. Аҳоли ўртасида ҳам экинлар пайҳон бўлишининг олдини олиш бўйича кенг тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ерга яхши ният билан экилган доннинг эртага қандай мева бериши ўзимизга — унинг парвариши ва муҳофазасига боғлиқ. Шу ўринда қишлоқ хўжалик экинлари етиштириладиган ҳудудларда яшовчи аҳоли ва хўжаликлар ҳисобидаги чорва молларининг йилдан-йилга кўпайиб бораётганини ҳам унутмаслик керак.

**Миколаларни ЎзА мухбирлари П.НИШОНОВ, Н. ХЎЖАЕВА, Р, КАМОЛОВ ва Н. ДУШАЕВлар тайёрлаган.**

